

---

Марғилон шаҳрида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудларга 100 мингдан зиёд турли мевали ва манзарали дарахтлар экилди.

Дастур доирасида ташкил этилган тадбирда шаҳар ҳокими Адҳам Зиявитдинов Муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан ўтказилаётган "Яшил макон" йиллик дастури Марғилон шаҳрида ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилиб, ҳудудлар яшилликка бурканган ҳолда ободликдан кўркам чирой очаётганини алоҳида эътироф этди.

Ушбу хайрли ташаббусга бугун шаҳардаги барча корхона ва ташкилотлар раҳбар ва ходимлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Хиёбонлар, кўча ва маҳалла ҳудудлари чиқиндилардан тозаланиб турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

2022-03-05 14:08:58